



Собик Шўролар даврида ўзбек мумтоз адабиётининг бир катор вакилларининг ижоди, уларнинг адабий мероси турли сабаблар, тўсиқлар натижасида етарлича ўрганилмади, тарғиб этилмади. Бу жихатлар диний, исломий гоёлар, мафкуралар билан боглик асарларда, хукмдорлар меросини ўрганиш ёки катор мумтоз шоирларимизни замонавийлаштиришга уриниш кабиларда кўринади. Ўтмиш меросимизнинг нодир ёдгорлиги бўлган «Кисаси Рабгузий» китоби ва унинг муаллифи Носируддин Бурхонуддин Рабгузий мероси хам халкимиз хаётидан узиб кўйилди. Ушбу китоб нашр этилмади. Таълим муассасаларида етарлича ўрганилмади. Илмий ишлар амалга оширилмади. Асардаги мавзулар, кўпгина пайгамбарлар билан боглик хикоятлар диний мафкура билан, исломий акидалар билан сугорилганлиги сабабли ўша давр карашларига мос келмасди. Холбуки, Рабгузийнинг ушбу асари ер юзининг пайдо бўлганидан бошлаб сўнгги пайгамбар – Мухаммад хаётига доир бўлган воқеаларни тасвирлар экан, уларда кишиларни тўгриликка, комиликка, ахлокан покликка чакириши билан юксак ахамият касб этади.

Рабгузий хакида етарлича маълумот етиб келмаган. Бизгача етиб келган ягона асари «Кисаси Рабгузий»да баъзи маълумотлар мавжуд. Ундаги маълумотлар хам тўлиқ эмас. Унинг асл исми Носируддин бўлиб, Хоразмнинг Работу Ўгуз деган жойида тугилган. Асарининг мукаддимасида отаси Бурхонуддиннинг Ўгуз Работининг козиси бўлганлигини айтиб ўтади. Асарда бу ҳақда: «Бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озуклик, кўп ёзуғлук /яхшилиги оз, гунохлари кўп/ Работ Ўгузининг козиси Бурхон ўгли Носируддин...» деб кайд этилган. Рабгузий сўзини проф. Н.Маллаев «Работи ўгуз»нинг бирикувидан келиб чиккан дейди. Демак, Рабгузий XIII асрнинг охирлари ва XIV асрнинг бошларида яшаган хоразмлик шоирдир. Унинг «Кисаси Рабгузий» асари ўзбек насрининг кадимий намунаси. Бу асар ислом динини кабул килган мўгул бекларидан бири бўлган Носируддин Тўкбуганинг топшириги ва хомийлигида ёзилган. Асар хижрий 709 йил, мелодий 1309-10 йил, баъзи манбаларда 1311 йил яратилган деб кўрсатилади. Тўкбуга Рабгузийга пайгамбарлар хакида асар ёзишни топширади ва натижада «Кисаси Рабгузий» юзага келади. Муаллиф асарни бир йил захмат чекиб тугатганини кайд этади. «Кисаси Рабгузий»нинг турли даврларда кўчирилган бир неча кўлёзма нусхаси мавжуд. Улар дунёнинг турли кутубхона ва кўлёзма фондларида сакланади. Асарнинг энг кадимий кўлёзма нусхаси XV асрда кўчирилган бўлиб, у Британия музейида саклаб келинмоқда. Гронбек томонидан 1948 йили Копенгагенда нашр килинган. Манбаларга караганда, XV аср Лондон нусхаси 1340

йилда Рабгузий тириклик даврида кўчирилган. XV-XVI асрларга мансуб Санкт-Петербург, XIX асрга оид Тошкент нусхалари мавжуд. XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошларида Тошкент, Козон шаҳарларида бир неча марта нашр этилган. Асарнинг тўла матни илк марта рус туркийшунос олими Н.Илминский томонидан 1859 йили Козон шаҳрида эълон қилинган. Ушбу асар Радлов, Томсен, Мелиоранский, Малов, Кононов, Босим Аталай каби хорижий туркийшунос олимлар, Фитрат, Н.Маллаев, Т.Фафуржонова, И.Остонакулов каби ўзбек олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Рабгузий ушбу асарни ёзишда Куръони карим, ҳадислар, Абу Ишок Нишопурий асари, исломга оид турли китоблар, шунингдек, Хасан Басра, Жобир ибн Ансорий каби қиссагўйлар ижодидан фойдаланган. Асарни ўқир эканмиз, Рабгузийнинг ўнлаб бундай асарлардан ижодий фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу манбалар иккига бўлинади:

1. Адабий манбалар.

2. Тарихий манбалар.

Адабий манбаларга, аввало, Куръонга ёзилган тафсириларни, сўнг Исхок Нишопурий, Абул Хасан Кисоий қиссаларини қиритиш мумкин. «Қисаси Рабгузий»да Мухаммад пайгамбар ҳаётигача бўлган қиссалар бевосита Куръон шарҳи вазифасини бажарган бадиий асарлар, иккинчи гуруҳга Имом Исмоил Бухорийнинг «Ал Жоме ал сахих», Абу Исо ат Термизийнинг «Шамоиلى набавия» китобларини қиритиш мумкин.

Рабгузий пайгамбарлар ҳақидаги қиссаларда олам ва одам ҳақидаги қарашларини бадиий ифодалашга ҳаракат қилган. Қиссалар асосини тарихий воқеалар ташкил этади. Асар 72 қиссадан иборат. Қиссалар мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Оламдаги бутун мавжудот эгаси бўлган Оллохни улуглаш, пайгамбар ҳаётига доир лавҳаларни эшлаш, камтаринлик ва такаббурлик, ота-она ва фарзанд муносабатлари, ватан ва меҳнатсеварлик, эрк ва адолат, дўстлик

ва ҳамжихатлик, уруш ва тинчлик қабилар шулар жумласидандир. Асарда шундай бир жумла борки, у асар мавзусини аниқлаш имконини беради: «Дунёга боринг, менга тоат қилинг, маъсиятдан йигилинг, қон тўқманг, ҳамр ичманг, халқ орасида кўни ҳукм қилинг, зино қилманг, хиёнат қилманг». Яъни инсон Оллохга тоат қилса, ҳамиша унинг ёди билан яшаса, охиратини ўйласа ёмон ишлардан сақланади, ўзидаги ёмон унсур ва иллатлардан қутилишга ҳаракат қилади.

«Маъсиятда йигилинг»-гуноҳдан сақланинг дегани. Гуноҳ ва савоб тушунчаси асарда кўп тилга олинади. «Кўни ҳукм қилинг»-бу насиҳат амалдорларга тааллуқли бўлиб, ҳар ишда адолатли, тўғри ҳукм қилиш зарурлиги таъкидланган. Қучсизларга озор етказмаслик ва инсон шахвоний ҳисларга берилмаслиги, бу йўлда юрганларга шармандалиқ, юзи қаролик, азоб-укубат етиши айтилади.

Исломда ҳамр /арок/ ичиш ман қилинади. Чунки у кўп ёмон ишларга сабаб бўлади. Қон тўқиш, беسابаб бировни ўлдириш ҳам исломда қораланади. Омонатга хиёнат қилмаслик олижаноб фазилат.

Асарда Нух, Довуд, Сулаймон, Исо, Мусо, Юсуф, Яъқуб, Исмоил, Иброҳим каби пайгамбарлар, Лукмони ҳақим ҳақидаги ҳикоятлар келтирилган.

Асарда одамнинг, ер юзи, кўк, жин, фаришталарнинг яратилишидан бошлаб маълумотлар келтирилади. Мана оламнинг яратилиши ҳақидаги ҳабар: «Ҳабарда андоғ келур: Яқшанба қун кўқларни яратти, душанба қун ойни, қунни, юлдузларни яратти, фалак ичинда туритти, сешанба қун олам халқинда қуш-қуртларни, фаришталарни яратти, чаҳоршанба қун сувларни яратти, елларни, булутларни чиқарди, йиғочларни,

ўт-емларни яратти, ундурди. Рўзиларни улаштурди. Пайшанба кун ужмох, тамугни, рахмат ва азоб фаришталарни яратти, хурларни яратти. Азина кун одамни яратти. Шанба кун нарса яратмади». /«Кисаси Рабгузий». 12-бет/.

Одамнинг яратилиши хакида ҳам гап боради. Жаброил, Исрофил, Мекоил тупрок олиб келишга буюрилади. Улар килмаган ишни Азроил бажаради. Шу учун ҳам жонзотлар жонини олиш унга топширилади. Одамни тупрокдан яратади. Тог, Тенгиз, Кўк улардан яратишни талаб килишади. Тупрок жим тургани боис ундан яратилади /17-бет/.

«Киссаи Кобил ва Хобил»да тасвирланишича, Кобил билан Икlimо, Хобил билан Абудо тугилади. Икlimо гўзал. Абудо кўркисиз эди. Кобилга Абудо бериладиган бўлди, у кўнмади. Одам уларга курбонлик килишни, кимнинг курбонлиги кабул бўлса, Икlimо берилишини айтди. Хобилнинг кўйи кабул бўлди. Кобил тош билан уриб Хобилни ўлдирди. Каргаларга караб, Хобилни ерга кўйди. Одам кўмиш шундан қолди. /30-31-бетлар/

Нух ва кема билан боглик хикоят кўпчиликка яхши таниш. /Баёни берилади, тахлил килинади/.

Асарда катта бир киссани Юсуф пайгамбар хакидаги кисса ташкил этади. Яъқуб, унинг ўғиллари, Юсуф ва Зулайхо хакидаги воқеалар анча машхур. /Хикоят тахлил килинади/.

Хазрати Довуд хакидаги кисса ҳам эътиборли. Кисса Довуднинг таърифи билан бошланади. Ундан кейин Довуд хакидаги умумий тасаввурлар баён этилади:»Довуд ялавоч (пайгамбар) бани Исроилдан эрди. Ўн кариндош эр дилар, оталари Ишоъ отлиг. Довуд камугидин (барчасидин) кичик эрди. Тун-кун йиглаюр эрди ибодат ичинда» Довуд пайгамбар билан боглик бир неча хикоятлар берилади. Адолат билан ҳукм килиши, кечалари раият холи билан танишиши, бир кампир киёфасидаги фаришта у халк молини ейишини айтиши, сўнг Довуд пайгамбар темирчиликни ўрганиши баён килинади.

Асарда Мусо пайгамбар, Сулаймон ва каринча, Сулаймон ва курсиси, Сулаймон ва Билкис хакидаги, Юнус, Илёс, Хизр, Лукмони хақим, Исо, Искандар хакидаги киссалар ҳам эътиборлидир.

Асарнинг катта қисми пайгамбаримиз Мухаммад хаётларига бағишланган. Рабгузий хакида гап кетганда унинг шеърияти хакида ҳам сўзлаш жоиз. Чунки ҳар бир кисса бошида ёки охирида келтирилган шеърлар бундан далолат беради. Айрим газаллар воқеалар ичида ҳам берилади. Булар Рабгузийнинг туркий аруз ва бармок вазнини яхши эгаллаганидан гувоҳлик беради. Ушбу асарда 600 мисра шеър ўрин олган бўлиб, булар газал, рубоий, китъа, тўртлик, қасида жанрларида битилган. Бахорни, Наврўзни мадҳ этувчи шеър бор. Рабгузий асарида халқ оғзаки ижодининг ҳам чуқур таъсири сезилади. Масалан: Бани Исроил уларга 12 бақувват, баланд бўйли кишиларни юборишади, богбон келиб уларнинг олтитасини бир енгига, яна олтитасини иккинчи енгига солиб олади. Уларни кўл-оёқли қуртлар деб атайдилар. Ёки Мусо пайгамбар хассасини ерга санчса мевали дарахт, душманга қарши илон, дарёдан ўтишда кўприк вазифасини бажаради. Ёки Юсуфнинг ақаси Яхудо наъра тортса, Миср эли хушсиз йикилади ва хоказо.